



Сайёра Самандар - 1968 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Хоразм давлат педагогика институтида тахсил олган. Урганч педагогика билим юрти, Хоразм давлат педагогика институтида ўқитувчи, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида кафедра мудири, директор ўринбосари, Урганч турнир ва меҳмононо на хўжалиги кохленида директор, Урганч шаҳар ҳокими ингомаслаҳатчиси вазифаларида фаолият кўрсатган. Узбек адабиёти, жадидчлике ҳаракати ва адабиёти мавзуларида кўплаб илмий мақолалари, ўнга яқин шеърий тўпламлари нашр этилган. Шеърлари хорижий тилларга таржима қилинган. Айни пайтда Урганч инновацион университети доценти, филология фанлари номзоди. 2022 йилда "Шуҳрат" медали билан тақдирланган.



Умид Бекмуҳаммад 1975 йилда Хоразм вилоятининг Гурлан туманида туғилган. 1997 йилда Урганч Давлат Университетининг тарих факультетини тутгатган. "Олтии Мерос" жамғармаси, Маънавият ва маърифат марказининг вилоят ва туман бўлимларида, бир қатор матбуот нашрларида, Гурлан туманинг ҳокимилигига, Узбекистон савдо-саноат палатасининг Хоразм вилоят худудий бошқармасида, вилоят туризмиц ривожлантириш шаддепартаментида ишлаган.

Айни пайтда Хоразм Маъмун Академияси ва Урганч Давлат Университетида илмий-педагогик фаолият олиб бормоқда.

Унинг Ўзбекистон ва хориждаги 80 дан ортиқ нашрларда 800дан ортиқ мақолалари, 40 та китоби, "Хоразмга талининг и Пушкин" роман-эссеси нашр этилган.

Умид Бекмуҳаммад 2021 йилда "Дўстлик" ордени билан тақдирланган.

Milleniumus


print

ISBN 978-9910-9009-6-9
9 789910 900969

САЙЁРА САМАНДАР
УМИД БЕКМУҲАММАД

ХОРАЗМ ЖАДИДЧИЛИГИ: ИСЛОХОТЛАР, ТАЛЬИМ ВА АДАБИЁТ

Монография



ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ
URGANCH INNOVATION UNIVERSITETI NTM
РЕСПУБЛИКА МАЊНАВИЯТ ВА МА҆РИФАТ МАРКАЗИ ХОРАЗМ
ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

САЙЁРА САМАНДАР
УМИД БЕКМУҲАММАД

ХОРАЗМ ЖАДИДЧИЛИГИ:
ИСЛОҲОТЛАР, ТА҆ЛИМ
ВА АДАБИЁТ

(Монография)

Урганч – 2024
“Milleniumus print” нашриёти

УЎК: 94:323(575.171)

КБК: 63.3+66.3(5Ў-4Хор)

С 28

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад. Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт; Хоразм: “Milleniumus print” нашриёти, 2024. -172 б.

Мазкур монографияда Хоразмда жадидлар томонидан жамиятда амалга оширилган ислоҳотлар ва бу жараённинг айнан Қrimlik жадидлар лидери Исмоил Гаспрали томонидан қўллаб қувватланиши билан боғланган ҳолда ёритиб берилади. Бу борада энг ноёб бўлган “Таржимон” газетасидаги Хоразмга оид мақолалардан манба сифатидан фойдаланилган. Шунингдек, Хоразмдаги жадид мактаблари ва ушбу соҳанинг фидойилари фаолияти ҳам тадқиқ этилади. Энг асосийси тарих ва адабиётшунослиқда тадқиқ этилмаган Хоразм жадид адабиёти намуналари ҳам таҳлил қилинади.

Монография олий ўқув юртларининг тарих ва филология факультети талабалари, тадқиқотчилар, ўрта мактабларнинг тарих ҳамда ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, ҳамда кенг омма учун мўлжалланган.

Сўзбоши муаллифи: Хондамир Қодирий-Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Абдулла Қодирий уй-музейининг директори.

Сўнгсўз муаллифи- Зера Бекирова, “Ненкежик” журнали бош муҳаррири (Қrim).

Масъул муҳаррир: Бекзод Абдиримов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Тақризчилар: Садоқат Маткаримова-тарих фанлари доктори, доцент. Исҳоқжон Исмоилов-филология фанлари доктори, доцент.

Мазкур монография Хоразм Маъмун академиясининг 2024 йил 29 марта даги № 3 сонли ва Urganch Innovatsion Universiteti НТМнинг 29 марта даги № 7-сонли Илмий кенгаши қарорлариiga қўра нашрга тавсия қилинган.

ISBN 978-9910-9009-6-9

© С.Самандар, У.Бекмуҳаммад, 2024

© “Milleniumus print” нашриёти, 2024

ЖАДИДЛАР ХОТИРАСИНИ ЎЙФОТМОҚ ГЎЗАЛДИР (СЎЗБОШИ)

Кримда Исмоилбек Гаспрали томонидан бошланган жадидчилик ҳаракатининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмга кўрсатган таъсири, хусусан таълим, матбуот соҳаларидан бошланган бу жараённинг кенг қамровда, жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олгани дунёning кўплаб жадидшунос олимлари томонидан тадқиқ қилинган, қилинмоқда ва нафақат илму фан, балки бадиий асарлар, драматургия, киноларда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Кувонарлиси шундаки, жадидчилик ҳаракатининг Хоразмга хос хусусиятлари, бошқа худудлардан фарқли жиҳатлари, ўтказилган ислоҳотларнинг жамиятга, халқ ҳаётига таъсири, айниқса адабиёти шу пайтгача илмий тадқиқ қилинмаганди. Тўғри, Хоразмлик жадид намояндалари, уларнинг фаолияти, айниқса қатағон даврдаги тақдири тўғрисида мақолалар, очерклар, айrim лидерлар тўғрисида китоблар яратилганди. Бу борада худди жадидлардек фидойилик билан фаолият кўрсатаётган тарихчи олим Баҳром Ирзаевнинг фидойилигини эътироф этмоғимиз жоиздир.

Шу сингари ушбу китоб муаллифлари томонидан (Умид Бекмуҳаммад муаллифлиги, Сайёра Самандар масъул муҳаррирлигига) “Хоразм жадидчилик ҳаракати энциклопедияси”нинг яқиндагина нашр этилгани мазкур мавзу борасидаги дастлабки тажриба, илму фандаги ютуқлардан деб айтиш мумкин.

Ҳаммуаллифларнинг бу борадаги яна бир сермаҳсул тадқиқоти эса китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинмоқда. Маълумки, бош вазир Исломхўжанинг ислоҳотлари ўша давр жамияти учун катта янгилик эканлиги барча тарих

Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт

ихлосмандлариға аён. Шу билан бирга эса Ферузхон, Асфандиёрхонлар ҳам жадидларга ҳайриҳоҳлик билан қараганлиги, мактаблар ташкил этиш, Қозон, Оренбург шаҳарларидан ўқитувчиларни таклиф қилганининг тарихий фактлар асосида монографияда ёритилиши кўпчилик учун янгилик.

Муаллифлар бу борада “Таржимон” газетасида чоп этилган мақолаларга асосланишган ва Исломил Гаспралиниң бу борадаги фикру мулоҳазаларини ҳам келтириб ўтишган. Яъни, ўша давр манзарасини ўқувчи кўз ўнгида намоён қилишда “Таржимон” газетаси саҳифаларидағи 150 дан ортиқ мақолалар, хабарларнинг сарлавҳаси, мазмунини бериши монографияниң илмий аҳамиятини янада оширган.

Бундан ташқари, жадидлар ўтказган бошқа соҳалардаги ислоҳотлар, таълим ва айниқса адабиёт борасидаги таҳлилий, янгича руҳдаги қарашлар ҳам муаллифларнинг чинакам изланганликларини кўрсатади.

Айниқса, Бобоохун Салимовдек жадид лидерининг адабий мероси, маърифатпарвар Аваз Ўтарнинг ҳаёти, ижодининг жадидларга боғлиқ жиҳатларини фактлар, шеърларидағи ғоялар асосида акс этдирилиши Хоразм жадид адабиёти бўйича янгича қараш дея айтиш мумкин. Шунингдек Сўфизоданинг жадид мактабидаги ўқитувчилиги, яратган асарлари, Ҳамза Ҳакимзодаларнинг Хоразмда таълим, драматургия бўйича қилган саъии-ҳаракатлари ҳам давр ва жадид адабий муҳити билан яхлитликда таҳлил этилиши адабиётшуносликдаги муҳим тадқиқотлардан дея эътироф қилиш лозим.

Монографияда шу сингари кўплаб эътироф этишга лойиқ жиҳатлар кўп ва буни китобхоннинг ўзи муроала қилиб, англаб олгани дуруст албатта.

Шу ўринда мен бундай кенг қамровдаги илмий тадқиқотни амалга оширган ҳаммуаллифларга ҳам тўхталиб ўтсам.

...Негаки, раҳматлик шоир, драматург ва давлат арбоби Эркин Самандар билан Дўрмон ижод уйида гурунглашганимда сезгандимки, у инсон чинакам закий шахс эди. Укалари Комил Аваз ҳам акаси сингари хушфеъл зиёли, ўзбек ва жаҳон адабиёти, Хоразм тарихининг турли давлари, айниқса мусиқа ва санъати мавзуларида соатлаб гурунг қиласиган инсон эдилар раҳматлик. Буни эслаётганим Эркин ака ва Комилжон акалар билан ҳам мавзу айланиб Хоразм тарихига, айниқса жадид фаолларидан бўлган Бекжон Раҳмондек серқирра шахсга кўп тўхталиб ўтгандик. Чунки Эркин Самандар 11 йил бош мухаррир бўлган вилоят газетасига Бекжон Раҳмон 1920 йилда асос солганди. Қолаверса Бекжон афандининг “Хоразм мусиқий китобчасини” Комилжон ака қайта нашр этдирганди...

Хуллас, ана шу суолага мансуб, ўзлари сингари зиёли шахс бўлган Сайёра Самандар ҳамда меним кўп йиллик қадрдон дўстим Умид Бекмуҳаммад ушбу монографияни яратибдиларки, бу менга янада хушнудлик бахш этди ва китоб билан танишаётиб, Эркин Самандар, Комил Авазлар билан қилган гурунглар хотирамда жонланди. Балки шу боисдандир яна бир Хоразмлик мунаққид, шоир Баҳодир Содиқнинг ғоятда донишмандона фикрлари ёдимга тушди: “Хотира уйғонса гўзалдир”.

Ҳа, хотира уйғонса гўзалдир. Айниқса ушбу монография орқали Хоразм жадидлари хотирасини уйғотмоқ, уларнинг фаолиятларини бугунги ва келажак авлодга ўрнак қилиб қўрсатиш, худди жадидларга хос фидойиликдир деб айтсак бўлади. Мен бу фидойиликнинг, изланишларнинг тўхтаб қолмаслигини,

Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт

улардан бу борадаги янги асарлар кутиб қолишимни таъкидлаган ҳолда, ҳаммуаллифларнинг ишларига омадлар тилаб қоламан. Негаки Хоразм жадидчилиги, намояндалар фаолиятида тадқиқ қилиниши долзарб бўлган жиҳатлар қўп. Шундай экан, ушбу мавзуга бағишлиланган асарлар давомли бўлади деган ниятдаман.

**Хондамир Қодирий,
Абдулла Қодирий уй-музейи
директори, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият ходими.**

ҚРИМДА ХОРАЗМ ХОТИРАЛАРИ (Сўнгсўз)

Гўзал ва мафтункор Она Ватаним Қrimда ижод қиларканман, меним хотирамни уйғотган туйғу жадидчилик ҳаракатининг Хоразм билан боғлиқ жиҳатлари ёритилган монография бўлди. Туркий дунёning фахру ифтихори, Миллий уйғонишга асос солган, феномен шахс бўлган жадидлар лидери Исмоил Гаспрали фақат Қrim татарларининггина эмас, бутун туркий мусулмон миллатнинг ойдин келажагини ёритиб берган таълимотга асос солганди. Буюк ислоҳотчи, у яратган жадидчилик ҳаракатига шу боисдан ҳам дунё илму фанида ҳануз, ўйлайманки бундан кейин ҳам қизиқиши ошиб бораверади.

Эътиборли жиҳати, Она Ватаним Қrimда нашр этилган “Таржимон” газетаси 19 аср охирида туркий дунё, жумладан олис Хоразмга ҳам етиб борган ва ушбу нашрларнинг муҳлислари кўпчиликни ташкил қиласди. Бундан ташқари Исмоил Гаспрали ўша вақтда нашр этилган газеталарда Туркистон, Бухоро ва Хоразмга оид бирон мақола, хабар чоп этилса, уни тезда “Таржимон”да ҳам нашр қиласди, бўлаётган жараёнларга ўз муносабатини билдириб борган, икки бора қадимиј Турсистон ҳудудларига сафар қиласди. Бироқ вақт тақозоси боис Хоразмга боришга имкон бўлмаган.

Мен машъум қатағон даврда Ўзбекистонга депортация қилинган оилада, Андижонда таваллуд топганман. 1991 йилгача жонажон Ўзбекистон диёрида журналист сифатида фаолият кўрсатдим. Бироқ Ўзбекистонда яшаётган пайтимда ҳам, Қrimга кўчиб келганимиздан буён ҳам дунёning кўплаб давлатларига борган бўлсамда Хоразмга сафар қилолмагандим.

Шукрки, Исмоил Гаспрали ғоялари, “Таржимон” нашри кириб борган қадимиј воҳага 2023 йилнинг май ойида

Хоразм жадидчилиги: ислоҳотлар, таълим ва адабиёт

ташриф буюрдим. Ўшанда мени Хоразмга тарихчи олим, адаб ва публицист Умид Бекмуҳаммад таклиф қилганди. Умидбек билан Урганч, айниқса Хивага қилган саёҳатим тассуроти оламжаҳон. Ўшанда мен Урганчга Туркияда сафардалигим боис Истамбул орқали боргандим. Хивани, жадидлар фаолият кўрсатган обидаларни томоша қилиб, бу ажиб диёрнинг ўтмишидаги жараёнларни гурунглашиб, Хоразм таомларию, санъатидан баҳраманд бўлиб, вақтнинг ўтганини билмай қолдим.

Маълумки, Хоразмдаги жадид мактабларининг дастлабки ўқитувчилари Қозон ва Қrim татарларидан бўлган ҳамда уларнинг фидойиликлари боис, “Таржимон”га-Қrimга мақола юбориб турган ҳам Рамазон Сайдашев, Ғофур Усмонийлар бўлишган. Умидбекдан шу сингари тарихий воқеликларни эшитиб, Хоразм таълим тараққиётида, матбуот соҳасида меним миллатдошларим фаолият юритганидан нақадар фахрланганим ҳануз ёдимда.

Хуллас, Хоразм ва хоразмликлар мени ҳайратга солишиди бу ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Ўшанда Умидбек меним уйга қайтишим учун Урганч-Тошкент-Сочи йўналишига авиабилет олиб қўйдирганди. Қайтишимдан бир кун олдин мени кутилмаганда Анқарага чақириб қолишиди. Бундай пайтда билетни алмаштириш, бунинг асаббузарликлари, расмиятчиликлар нақадар қийинлигини тушунсамда, минг истиҳола билан Умидбекга буни тушунтирдим. Натижада у турли идораларга мурожаат қилиб, бунинг имконини топди ва яна мени Урганч-Истамбул рейсига кузатиб қўйди. Агар Умидбек бунинг имконини тополмаганида меним Туркиядаги ишим кечикиб кетиши аниқ эди. Шу боис унинг бу қилган илтифотларини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман ва совға қилган китобларини ардоқлаб сақлайман, ижоди, илмий фаолиятини кузатиб бораман. Шу маънода уни жадидлар

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

фаолиятини тадқиқ қилаётган, Она Ватани тарихини теран таҳлил эта биладиган тарихчигина эмас, интилишлари, фидойиликлари билан чинамкам жадидлар издоши деб биламан.

Эътиборли жиҳати у таниқли шоира ва олима Сайёра Самандар билан ҳаммуаллифликда ушбу монографияни нашрга тайёрлабди ва бу таҳсинга лойикдир. Сайёрахон мен ижодини яхши биладиган шоир, драматург, давлат арбоби, раҳматлик Эркин Самандарнинг фарзанди эканлар.

Мен ҳаммуаллифларнинг ишларига омад тилаган ҳолда Бакир Чўпонзода ҳаёти, фаолиятига оид тадқиқотлар олиб боришларини, уларга оид асарлар ёзишини ҳам истардим. Хуллас, монография мени яна Хоразм билан боғлиқ хотираларимни уйғотди ва мен бундан хурсандман.

**Зера Бекирова,
“Ненкежик” журнали бош муҳаррири,
Қрим.**

Жадидлар хотирасини уйғотмоқ гўзалдир	3
Кириш	7
I боб. Исмоил Гаспрали ва жадидчилик ҳаракатининг туркий мусулмон ўлкаларга таъсири	11
1.1. Жадидлар лидери Исмоил Гаспрали фаолияти ва жадидчилик ҳаракатининг Туркистон, Бухоро ва Хоразмга тарқалиши ҳамда жамиятда тутган ўрни.....	11
1.2. Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг ўзига хос хусусиятлари.....	19
1.3. “Таржимон” газетасининг туркий мусулмон халқлар тақдиридаги ўрни ва Хоразмга оид мақолаларнинг тарихни ўрганишдаги аҳамияти.	26
II боб. XIX аср охири ва XX аср бошларидағи ислоҳотлар ва уларнинг жамият тараққиётида тутган ўрни.....	50
2.1. Хонлик ва республика даврида ўтказилган ислоҳотлар	50
2.2. “Ёш хиваликлар”нинг жамиятга таъсири ва аҳамияти.....	83
III боб. Жадид мактаблари ва таълим соҳасидаги ислоҳотлар. Жадид адабиёти	117
3.1. Хоразмдаги жадид мактаблари	117
3.2. Хоразм жадид адабиёти	142
Хулоса.....	158
Иловалар.....	161
Бобоохун Салимов.....	161
Аваз Ўтар	163
Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий.....	165

Сайёра Самандар, Умид Бекмуҳаммад

Сўғизода.....	166
Қримда Хоразм хотиралари	167

**САЙЁРА САМАНДАР
УМИД БЕКМУҲАММАД**

**ХОРАЗМ ЖАДИДЧИЛИГИ: ИСЛОҲОТЛАР, ТАЪЛИМ
ВА АДАБИЁТ**

Масъул мухаррир:
Бекзод Абдиримов тарих фанлари бўйича фалсафа доктори.

Мухаррир: Гуломжон Отажонов
Саҳифаловчи
М.Жуманиёзов
Мусаҳдих
Ж.Собиров

Тақризчилар:
Садоқат Маткаримова тарих фанлари доктори, доцент,
Исҳоқжон Исмоилов филология фанлари доктори, доцент,

Тасдиқнома рақами X-119629. Босишига 26.04.2024 да руҳсат этилди.
Бичими 60x84_{1/16}. Офсет қофози. Таймс гарнитураси.
Шартли босма табоғи 10,7. Адади 500 нусха.
Баҳоси келишилган нархда.

“Milleniumus print” МЧЖда офсет усулида чоп этилди.
Урганч тумани, “Шерматлар” МФЙ, Тадбиркорлар кўчаси, 69-уй.
Тел: (+998) 91-994-24-00